

Навоий таваллуд топган кун



20:44 / 09.02.2022 1986

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

Алишер Навоий милодий 1441 йилнинг 9 февраль, ҳижрий 844 йилнинг 14-рамазонда ўша пайтдаги Темурийлар пойтахти ва илмий маркази Ҳиротда туғилган. 11 ёшида Сабзаворда Ҳусайн Бойқаро билан танишади. 16 ёшда Машҳадга бориб ўқийди. Отаси Фиёсиддин Кичкина Баҳодир вафотидан кейин Самарқандга келади ва икки йил Абу Лайс Самарқандийдан дарс олади. 28 ёшда Ҳиротга қайтган Навоий султон Ҳусайн Бойқаро хизматига киради ва муҳрдор лавозимига тайинланади. 31 ёшда девонбеги лавозимига тайинланган Навоий 37 ёшда Абдурахмон Жомий тавсияси билан Нақшбандия тариқатига киради. Ҳижрий 906 йил, милодий 1500-1501 йилларда Ҳиротда вафот этади. Қабри бугунги Афғонистоннинг Ҳирот шаҳридадир.

Навоийдан бизга 30 дан ортиқ асарлар мерос сифатида қолган:

Девонлар:

«Илк девон»;

«Бадое ул-бидоя»;

«Наводир ун-ниҳоя»;

«Хазойин ул-маоний»; у тўрт девондан иборат: «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадое ул-васат», «Фавойид ул-кибар»;

«Девони Фоний» (форсча).

Маснавийлар:

«Ҳайрат ул-аброр»;

«Фарҳод ва Ширин»;

«Лайли ва Мажнун»;

«Сабъаи Сайёр»;

«Садди Искандарий»;

«Лисон ут-тайр».

Тазкиралар: «Насойим ул-муҳаббат»; «Мажолис ун-нафоис».

Таржима ва хотира асарлари:

«Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер»;

«Ҳолоти Паҳлавон Маҳмуд»;

«Хамсат ул-мутахаййирин».

Диний-ахлоқий асарлари:

«Арбаин» (Қирқ ҳадис);

«Сирож ул-муслимин»;

«Муножот».

Тарихий асарлари:

«Тарихи анбиё ва ҳукамо»;

«Тарихи мулуки ажам».

Тил ва адабиётга оид асарлари:

«Муфрадот»;

«Мезон ул-авзон»;

«Муҳокаматул луғатайн».

Бошқа асарлари:

«Муншаот»;

«Вақфия»;

«Назм ул-жавоҳир»;

«Маҳбуб ул-қулуб».